

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ  
СТОМАТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**МАВЗУ: ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИ КАСАЛЛИКЛАРИ.**

**Талабаларнинг аудиториядан ташқари ишлаши учун ўқув-услубий  
тавсияномаси**

*Самарқанд-2018*

616.15  
D 150

Тўғувчилар:

Тўғувчилар:

Дадажонов У.Д. Даволаш факультетининг  
IV- терапия ва гематология кафедраси,  
гематология курси мудири, доцент т.ф.н,

Рахимбердиев Р. А. Болалар стоматология кафедраси мудири .

Такризчилар:

Гаффоров У.Б. юз-жаг жаррохлиги кафедра мудири т.ф.н.


Усмонов Р.Ф. юз-жаг жаррохлиги кафедраси ассистенти т.ф.н.

**Аннотация:** Қўлланманинг ўқув-информацион қисмида оғиз бўшлиғи шиллик қаватларида ўзгаришлар этиологияси, патогенези клиник ва инструментал-лаборатор диагностикаси, клиник кўриниши ақс эттирилган. Коннинг тизимли касалликларида оғиз бўшлиғи шиллик қаватларини замонавий даволашни қўллашга асосланган ёндашувлар келтирилган. Айниқса тизимли ички касалликлар, шу жумладан коннинг тизимли касалликларида оғиз бўшлиғи шиллик қаватларида кузатиладиган ўзгаришлар ва уларнинг диагностик аҳамиятига алоҳида урғу берилган. Услубий қўлланма тиббиёт ОТМ лари юқори курс студентлари, магистратура резидентлари, клиник ординаторлар, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш малака ошириш тингловчиларига мўлжалланган.

**Annotation:** The scientific and information part of the pathogenesis are being studied the etiology, pathogenesis, methods of clinical instrumental diagnostics, clinical manifestations of the blood systems diseases and diseases of internal organs in the mucous membrane of the oral cavity. The special role belongs to the early diagnosis of the disease is changes in the mucous membrane of the oral cavity in diseases of internal organs including the blood system diseases. The methodological manual is intended for senior students of medical universities, residents of the magistracy, clinical residents, cadets of perfecting of training and retraining of personal.

**Аннотация:** В учебно-информационной части пособия рассматривается этиология, патогенез, методы клинической инструментальной диагностики, клинических проявлений заболеваний системы крови и заболеваний внутренних органов в слизистой оболочке полости рта. Особая роль принадлежит ранней диагностике изменений слизистой оболочки полости рта при заболеваниях внутренних органов в том числе заболеваний системы крови. Методическое пособие предназначено для студентов старших курсов медицинских ВУЗов, резидентов магистратуры, клинических ординаторов, курсантов повышения квалификации и переподготовки кадров.


Услубий тавсиянома СамМИ Илмий кенгашида “12” июнь да муҳокама килиниб, чоп этишга рухсат берилган. Баённома №9.



Илмий котиб:

*(Signature)*

С.С. Давлатов



## МУНДАРИЖА:

Машғулот №1. Сурункали қайталанадиган афтозли стоматит ва унинг турли шакллари. Клиника, қиёсий ташхис, даволаш.....	5
Машғулот №2. Бехчет синдроми. Шегрен синдроми.....	16
Машғулот №3-4. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг меъда-ичак тракти ва юрак кон томир касалликларида ўзгаришлари.....	21
Машғулот №5-6. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг эндокрин тизими, бириктирувчи тўқиманинг диффуз, кон яратиш тизими касалликларида ўзгаришлари.....	29
Машғулот №7. Асаб тизими касалликларида оғиз бўшлиғи касалликларининг ўзгариши. Стомалгия (глоссалгия), таъм билишининг ўзгариши, сўлак ажратишининг бузилиши.....	41
Машғулот №8-9. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг дерматозларда ўзгариши. Қизил ясси темирлатки, пўрсилдоқ, пемфигид, кизил югурук, Дюрптен герпетик шакли дерматит.....	48
Машғулот №10. Тилнинг аномалиялари ва мустақил касалликлари.....	62
Машғулот №11-12. Хейлитлар. Классификация, клиника, алоҳида шаклларининг дифференциал ташхиси, даволаш.....	70
Машғулот № 13-14. Оғиз бўшлиғи ва лаблар кизил ҳошияси шиллик қаватларининг саратон олди касалликлари.....	78

## Машғулот № 1

**Машғулот мавзуси:** Сурункали қайталанадиган афтозли стоматит ва унинг турли шакллари. Клиника, қиёсий ташхис, даволаш

**Машғулотни ўқув мақсади:** СҚАС ни ташхис қилишни ўрганиш, текшириш ва даволаш режасини тузиш.

Машғулотга мустақил тайёрланиш учун саволлар рўйхати:

1. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари касалликлари таснифи.
2. Морфологик элементлар.
3. Яллиғланиш патофизиологияси.
4. СҚАС этиологияси, патогенези.
5. СҚАС клиникаси, қиёсий ташхиси.
6. Текшириш режаси
7. Диспансер кузатуви. Прогноз

### Талабаларнинг касбий махоратлари

Талаба билиши шарт:

1. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг меърада ва патологияда тузилиши, ҳолати ва функцияси асослари

Талаба қила олиши керак:

1. СҚАС билан оғриган беморни тўла ҳажмда қўшимча усуллардан фойдаланиб текширишни ўтказиш
2. Ҳаракатдаги таснифга мувофиқ ташхис қўйиш ва қиёсий ташхис ўтказиш
3. Керак бўлганда бошқа мутахассисларни жалб қилиб, касалликни даволашнинг комплекс режасини тузиш.

Талаба қуйидаги амалий кўникмани эгаллаши керак:

1. СҚАС билан оғриган беморларни текширишни ўрганиш

### ЖАДВАЛ

Қайталанувчи афтозли стоматит билан оғриган беморларни текширишда дастлабки ҳаракатларнинг чизмаси (схемаси)

Ҳаракатлар компонентлари	Ҳаракатлар жойи ва воситалари	Мустақил иш мезонлари
<p>I. Беморни сўраб-суриштириш</p> <p>1) Шикоятларни аниқлаш</p> <p>а) Оғиз бўшлиғи шиллик каватида (ОБШК) оғрикли хосилалар (афталар)</p>	<p>Касаллик тарихи, беморни эътибор билан кўздан кечириш, шифокор этикаси коидаларига риоя қилиш</p>	<p>Шикастланиш эррозиясида, генетик инфекцияда, Венсан ярали-некротик стоматитида, қайталанувчи афтозли стоматитда, Бехчет синдромида. Бемор афтасида</p>
б) оғрик	- # -	Сетон чандикли стоматитда Бехчет синдромида, декубитал ярада
в) ачиш	- # -	Сурункали қайталанувчи герпесда
г) оғиздан хидлар	- # -	Венсан ярали-некротик стоматитида
д) Терининг шикастланиши	Кўздан кечириш	Бехчет синдромида (тугунли эритема, сурункали қайталанадиган герпесда)
Кўзлар зарарланиши	Кўздан кечириш	Бехчет синдромида
<p>2. Касаллик анамнезини йиғиш</p> <p>а) Касаллик қанча давом этмокда</p>	Сўраб-суриштириш	Бир неча йил давомида касаллик қанча узоқ вақт давом этса, шунча оғирлашади
б) Эхтимоли бор сабаблар	- # -	Инфекциялар, секретор аппаратнинг генетик этишмовчилиги
	- # -	

в) тез-тез қайталаниши (рецидив)		Тез-тез қайталаниш организмнинг қаршилиги қамайганидан дарак беради, оғир стоматит патология мавжудлигини кўрсатади
3. Ҳаёт тарихи	- # -	Ижобий самара бўлмаса, врач даволашга тузатишлар киритиши лозим.
Ҳаёт анамнези:	Бошқа мутахассислар хулосаси	Генетик коднинг ўзгариш эхтимоли бор.
а) Ирсият		
б) оғриган касалликлари	- # -	Меъда-ичак тракти (МИТ) касалликлари, аутоиммун ва нейротрофик касалликда
в) йўлдош касалликлари	- # -	Кон касалликлари, Артрос феномени, МИТ касалликлари, аллергия
г) Касб-хунар зарарли омиллари	Сўраб-суриштириш	Турли зарарли омиллар таъсири: Хром бирикмалари, цемент, бензин, фенол, тиш протезлари материаллари.
д) Оғиз бўшлиғи гигиенаси	Индикация воситалари	Гигиенага риоя қилмаслик жараённинг оғирлашишига олиб келиши мумкин И.Г.Фёдоров-Володкина буйича I қатта бўлмаслиги лозим
4. Беморни кўздан кечириш	Кўздан кечириш усуналари, касаллик тарихи.	Бехчет синдромида, сурункали қайталанган
а) Ташқи кўздан кечириш		

б)Тери копламларини кўздан кечириш		герпесда терида тошмалар бўлиши мумкин
5)Катталашган, қалин огрикли регионар лимфатик тугунлар	пальпация	Қайталанадиган афтоз стоматитнинг оғир шаклларида, Бехчет синдромида Венсен ярали-некротик стоматитида
а)Регионар ва периферик лимфа тугунларининг катталашини	пальпация	Лимфосаркома, специфик инфекцияларда
б)Оғиз бўшлиғини кўздан кечириш а)якка афталар,фиброз караш билан копланган, гиперемия гулдастаси билан ўралган, думалок шаклда	Кўздан кечириш учун асбоблар тўплаш, касаллик тарихи	Қайталанувчи афтоз стоматитнинг фибриноз шаклида
Некротик караш билан копланган, кам огриксиз афталар	- # -	Қайталанувчи афтоз стоматитнинг некротик шаклида
Кичик сўлак безларининг ажратиш соҳасида	- # -	Қайталанувчи афтоз стоматит glandуляр шаклида
Халқум ва танглайнинг олд ёйлари шиллик каватларида жойлашган диаметри 1,5 см тез трансформация этувчи, чуқур огрикли яраларга айланувчи афталар	Кўздан кечириш ва пальпация	Қайталанувчи афтоз стоматитнинг чандиқ хосил қилувчи шаклида. Пальпация қилганда яралининг асосида инфилтрат
Чандиқ хосил қилишда узок битмайдиган якка яралар, чандиқлар мавжудлиги	Лупа ёрдамида кўздан кечириш	Деформация этувчи қайталанувчи афтозли стоматитнинг шаклида яралар оғиз бурчаги соҳасида жойлашган бўлса микростома хосил булиши мумкин

Тил, халқум, томоқнинг орқа девори бурма ўтиш соҳаси шиллик кавати ҳолати	Кўздан кечириш	Кичик сўлак безларининг ацинуслари зарарланиши ва жараёнга бириктирувчи тўқима кавати қўшилиши ва ўтиш бурмаси соҳасида туйнуксимон шаклдаги афта мавжудлиги
Тишлар ва парадонт тўқима ҳолати	- # -	КПУ ни тўлдириш
Тишлар ҳолати аномалияси ва тишларнинг ўткир қирралари	- # -	ОБШҚ да яллиғланиш жараёнини кенгайтиришни оғирлаштиради
4) Қўшимча текширишлар ўтказинг а) Иммунофлюорист анализ	ОДЦ	Циркуляция этувчи комплексларни аниқлаш мумкин
б) Гистологик текшириш	ОДЦ	Циркуляция этувчи комплексларни аниқлаш мумкин ОБШҚ да некроз ўчоғи баъзи мембрана шикастланиши билан кечади. ОБШҚ нинг хусусий пластинкаси зонасида яллиғланиш шиллик кават ости асосида яллиғланиши, некроз зонасида сўлак беги яққол ривожланган перигландулярли инфилтрация учрайди
в) Қонни РШ га текшириш	ОДЦ	Специфик инфекцияни (захмини) инкор этиш.

г) Қоннинг умумий таҳлили (ҚУТ)	Клиник таҳлилхона	Лейкоцитоз, ЭҚТнинг тезланиши, лейкоформуланнинг чап томонга силжиши
д) Қоннинг биокимёвий таҳлили	- # -	Йўлдош патологияларини инкор этиш.
е) Бошқа мутахассисларнинг маслаҳати	Гастроэнтеролог, иммунолог, алерголог, дерматовенеролог, окулист хулосаси  ОДЦ	Қайталанувчи афтоз стоматитнинг оғир даражасида МИТ зарарланиши мумкин. Бехчет синдромида кўз, жинсий аъзолар шиллик кавати шунингдек тери копланлари касалликлари зарарланиши (туғунли эритема, йирингловчи элементлар)

**Қайталанувчи афтозли стоматит билан оғриган беморни текширишда дастлабки ҳаракатларнинг чизмаси (схемаси)**

Ҳаракатлар компонентлари	Ҳаракатлар жойи ва воситалари	Мустақил иш мезонлари
Ўз ичига умумий ва маҳаллий даволашни олдини оладиган қайталанувчи афтоз стоматитни комплекс даволаш режимини тузиш	Режа касаллик тарихига ёзилиши шарт	Беморнинг ҳолати ҳақида терапевт ва бошқа мутахассислар хулосаси ва организмга барча умумий таъсир этувчи препаратларни қўллаш моҳиятлари
Маҳаллий даволаш 1. Оғиз бўшлиғи санацияси	Стоматологик инструментлар (асбоблар)	Кариоз бўшлиқларни пломбалаш вақтида тишнинг анатомик шакли тикланади

2. ОБШҚ ни оғрикислантириш	Мефенаминат натрийнинг 1 % эритмаси. Анэстезиннинг шафтоли ёғидаги эритмаси	Оғрикларни муолажа ва овқатланиш вақтида йўқотиш учун
3. Энзимотерапия	Трипсин, кристалли, химотрепсин. Эррозия ва яраларга янги тайёрланган эритмалар аппликация қилинади.	Ярали шикастланишнинг некротик қарашларини эритиш учун
4. Антисептик ишлов бериш	Перманганат калийнинг 0,05 % эритмаси, водород пероксидининг 4,5 % эритмаси, 1 % хлоргексидин эритмаси 0,06 % фурацилин 1:5000.	Иккиламчи инфекция кўшилишининг профилактикаси
5. Кератопластик воситалар	Қуйидаги дорилар аралашмасидан иборат	Эррозия ва яраларни эпителизацияси учун
Умумий даволаш 1. Специфик гипосенсибилизация этувчи терапия	Аллергологик кабинет шароитида алергенларни кичик дозасини тери остига инъекция қилиш	ИФА бевосита динамикада аниқланган бактериал алергенларга юқори сезгирлик аниқланганда (тери ичига 0,01 % ли) монеликни ҳисобга олган ҳолда)
2. Носпецифик гипосенсибилизация этувчи терапия.	Тиосульфат натрий 30 % 10,0 в/ичига № 10; Гистоглобин 2,0 тери остига 1 марта 3 кунда № 10	Гистамин синамаси
	Калций препаратлари: Са хлорид 10 % эритма; Са глицерофосфат 2,5 % эритмаси; Са глюконат 10 % - 10,0 вена ичига № 10	
3. Антигистаминли препаратлар	Димедрол, пипольфен, тавегил 1 дражедан 1-2 марта кунига	Носпецифик гипосенсибилизация, давоси ўтказилганда

4. Организмнинг носпецифик каршилигини ошириш	Продигозан 15 мкг т 1 марта 5 кунда. =37,5 дозасини 40 мкг гача етказилади. Қарши кўрсатма марказий нерв системаси, юрак томир системаси бузилишлари	ФАН (Нейтрофиллар активлигини), кон ва сўлакнинг компенсатор активлигини ишқорий ва кислотали фосфатаза ёрдамида аниклаш.
	Пирогенал м/о 25 мпд 1 марта хар бир кунда кейинчалик дозасини оширишади; Курс 15 инъекциядан иборат	Тана ҳарорати кўтарилса, организмнинг табиий қаршилик кўрсаткичлари ошган бўлса.
	Лизоцим 100 -500 мг 2 марта кунига № 20	Кон зардобиди ва сўлақда лизоцимнинг активлигини ошириш.
5. Биоген стимуляторлар	Левомизол (Декарис) 150 мг 1 марта	
6. Иммуномодуляторлар ва иммунокорректорлар	Левомизол (Декарис) 150 мг 1 марта 5 кун. Иммудон 200-400 мг кунига № 10 Вилозен, полен, гропренозин, тендивон, тимоген, тимолик 10 – 30 № 10. Ликомид 0,01 г, эрталаб наҳорга № 10.	Организмнинг умумий иммуно-биологик реактивлигини ошириш учун - Иммунограмма, ИФА; - Тери-аллергик синамалари - Лейкопеник ва тромбоцитопеник тестларни лаборатор текширишлар.
7. Витаминотерапия	В1, В2, В6, В12, фоли ва аскорбин кислоталар (кунига 0,5 г гача.) Пиридоксин (0,05), рибофлавин (0,01), никотин кислота (0,05 дан 3 марта овқатдан кейин)	Организмнинг иммуно-биологик реактивлигини ошириш учун.

8. Седатив терапия	Новопассит, валерьяна илдизи, магний сульфат 25 %-эритма 5,0 м/о.	Кўрсатмалар бўлса
9. Гормонал терапия	Преднизолон схема буйича: 15-20 мг кунига 2 hafta давомида	Сурункали кайталанувчи афтозли стоматитнинг (СҚАС) чандикли шаклида
10. Детоксикацион терапия	«Дисоль» эритмаси, «5 % глюкоза» эритмаси. Альвезин	СҚАС нинг оғир кечишида
11. Игло-рефлексография	Акупунктура хонаси	Тўқималар трофикасини яхшилаш, анальгезик эффектга эришиш учун.
12. Гирудотерапия	Тиббий зулуклар	ОБШК лари туқималарида модда алмашинувини ёнларини яхшилаш учун
13. Йўлдош касалликларни даволаш	Гастроэнтеролог, гематолог, иммунолог, алерголог ва бошқалар кўрсатма буйича	СҚАС билан оғирган беморларни даволашда самарага эришиш учун
14. Пархез билан даволаш	Сутли-ўсимлик маҳсулотлари	Кўпол, ўткир, зарарли овқатларни чеклаш. Спиртли ичимликларни ичишни тўхтатиш.
15. Оғиз бўшлиғи санацияси	Стоматолог хонаси (терапевт, жаррох, ортопед, ортодонт)	СҚАС кайталангани профилактикаси учун
16. Оғиз бўшлиғи гигиенаси	Тиш иплари, чўткаси, тиш пастаси	Тиш карашларини индикация воситалари

### Назоратни амалга ошириш учун материаллар.

Тест материаллари:

1. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматит ривожланишига сабаб бўлувчи омиллар:
  - 1) Кучли шамоллаш
  - 2) Меъда-ичак тракти касалликлари
  - 3) Бактериал инфекция
  - 4) Вирусли инфекция
  - 5) Ўткир респиратор вирус инфекцияси билан оғриш.
2. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитда шикастланадиган элемент:
  - 1) доғ
  - 2) папула
  - 3) афта
  - 4) пуфакча
  - 5) яра
3. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитнинг оғир шакллари.
  - 1) Сеттон афтози
  - 2) Шегрен синдроми
  - 3) Розенталь синдроми
  - 4) Стивенс-Джонсон синдроми
  - 5) Лайелл синдроми
4. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматит билан оғриган беморлар шикоятлари:
  - 1) оғрик
  - 2) кўришни бузилиши
  - 3) оғиздан хид келиши
  - 4) тилнинг қараш билан қопланиши
  - 5) милкларнинг қонаши
5. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитга хос клиник белгилар
  - 1) узок вақт битмайдиган яққа-ягона, чандикланишга мойил яралар
  - 2) кўшилишга мойил шиллик қаватлардаги ўуп сонли эрозиялар ва афталар
  - 3) кирралари фестончали эрозиялар, кўпинча қаттиқ танглай, ливеклар, лабларнинг кизил мағзида.
  - 4) пуфаклар, эрозиялар, пўстлоқлар, Никольский симптоми
  - 5) оғиз бўшлиғи шиллик қаватида 1-3 афталар
6. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитнинг ривожланган даврида регионар лимфа тугунлар.
  - 1) ўзгаришсиз
  - 2) қатталашган, оғриксиз,
  - 3) қатталашган, оғрикли,
  - 4) қатталашган, оғрикли, бирлашган;
  - 5) қатталашган, оғрикли, бирлашмаган

7. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитнинг продромал даврида регионар лимфа тугунлар
  - 1) ўзгаришсиз
  - 2) қатталашган, оғриксиз,
  - 3) қатталашган, оғрикли,
  - 4) қатталашган, оғрикли, бирлашган;
  - 5) қатталашган, оғрикли, бирлашмаган

### Аудиториядан ташқари мустақил ишлаш учун саволлар рўйхати:

1. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини даволашнинг терапевтик амалиётида асоратларнинг сабаби ва уларни олдини олиш усуллари.
2. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини даволашда юз берадиган асосий хатолар ва уларни профилактикаси ва бартараф қилиш.

### Аудиториядан ташқари ишлаш бўйича рефератлар ва презентациялар мавзулари:

1. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини ташхис қилиш.
2. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари билан оғриган беморларни комплекс даволашда генотипик усуллар.

### Асосий адабиётлар

1. Терапевтик стоматология: дарслик/ Е.В.Боровский тахрири остида – М.: МНА, 2009.-840 бет
2. Терапевтикация стоматологии: Национальное руководство /ред. Л.А. Дмитриева.- М. ГЭОТАР-Медиа, 2009.-912. (Национальное руководство) + СД

### Кўшимча адабиётлар:

1. Терапевтическая стоматология в 3-частях. Часть 3: Заболевания слизистой оболочки рта: учебник /Под. ред П.М Бачера - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2010.-256-с.
2. О.И. Тирская. Проявления герпетической инфекции полости рта. // Учебное пособие-Иркутск, 2011.-39 с.



Машгулот № 2

Машгулот мавзуси: Бехчет синдроми. Шегрен синдроми.

Ўқув машгулот мақсади: ташхис қилишни ўрганиш, синдромларни текшириш ва даволаш режасини тузиш

Машгулотга мустақил тайёрланиш учун саволлар рўйхати:

1. Бехчет синдроми. Шегрен синдромлари этиологияси
2. Клиник кўринишлари
3. Бехчет синдромида «Уч қайта симптомокомплекс», Туреннинг катта афтозидаги симптомокомплекс, Шегрен синдромида симптомокомплекс.
4. Текшириш усуллари. Ташхис қилиш.
5. Иммунокоррекция қилувчи терапия.
6. Маҳаллий даволаш.
7. Касаллик прогнози.

Талабаларнинг касбий маҳорати

Талаба билиши лозим:

1. Норма ва патологияда оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг тузилиши, ҳолати ва функцияси асосларини билиш.

Талаба бажара олиши керак:

1. Бехчет синдроми билан оғриган беморни текширишни ўтказиши, Бехчет синдроми кўшимча текшириш усуллари ишлатиб, тўлиқ ҳажмда текшириш
2. Ҳаракатдаги классификацияга мос равишда ташхис қўйиб, дифференциал ташхис ўтказиш
3. Зарур бўлса бошқа мутахассисларни чорлаб касалликни комплекс даволаш режасини тузиш.

Талаба куйидаги амалий кўникмаларни эгаллаши лозим:

Бехчет ва Шегрен синдромлари билан оғриган беморларни текшириш.

Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитнинг дифференциал ташхиси

Касаллик	Умумий клиник кўринишлари	Фарқланувчи белгилари
Бехчет синдроми	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларида афталар	Афталарнинг бир пайтда пайдо бўлиши (яралар юзаси) оғиз бўшлиғи, кўз, жинсий аъзоларнинг шиллик қаватида. Шикастланган участкаларнинг эпителизациясининг узок вақт чўзилиши (1-6 ой)
Афтозли стоматитнинг чандикли шакли (Сеттон афталари)	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларида оғрикли афталар	Четлари зич, чуқур яраларга ўтувчи, эпителизацияси чандик хосил қилувчи узок вақт мавжуд (1-4 ойдан кейин) афталар
Сурункали қайталанувчи Герпес (учук)	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларида оғрикли эррозиялар	Деярли ҳама вақт ўткир респиратор касалликлар совкотиш ва бошқа ёмон оми. ллардан пайдо бўлади. Сурункали герпес (учук) тез очиладиган, фстончали, киррали эррозиялар хосил қиладиган пуфакчалар пайдо бўлишидан бошланади. Зарарланган элементлар катталиги 1-2 мм оғиз бўшлиғи шиллик қавати шикастланиши тери шикастланиши билан биргаликда зарарланиши мумкин. Кўпинча пермонент шакли ёки ҳар ойлик қайталанувчи шакли кузатилади.
Травматик эррозиялар ва афталар	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватида эррозиялар ва афталар	Эррозиялар жойлашуви шикастловчи омилга мос келади. Эррозия оғиз бўшлиғи шиллик қаватида гиперемия фониде бир текисда жойлашади. Шикастланишни баргараф қилич эррозив афталар урнини тезда эпителизациясига олиб келади

Sam D.D.  
axborot-resurs markazi

Иккиламчи папулёз захм	Оғиз бўшлиғи шиллик каватида эррозиялар ва афтлар	Асосан бодом безлари, юмшок танглай ёйчалари, юмшок танглай, оғиз бурчаклари, тил шиллик каватлари юзасида оғриксиз филтрланиш асосида кулранг оқиш папулалар. Яққол ривожланган лимфаденит. Юз ва бадан терисида папулёз тошмалар. Элементлардан олинган киридида оқиш трепаномани аниқланади. РИФ, РИТ ва Вассерман реакцияси мусбат.
------------------------	---	---

#### Назоратни амалга ошириш учун материаллар:

Тест материаллари:

1. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитнинг келиб чиқиши сабаблари:

- 1) Кучли шамоллаш
  - 2) Меъда-ичак тракти касалликлари
  - 3) Бактериал инфекция
  - 4) Вирусли инфекция (ЎРВИ)
  - 5) Ўткир респиратор вирус инфекцияси билан оғриш
2. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитнинг ривожланган даврида регионар лимфа тугунлар:

- 1) ўзгаришсиз
  - 2) катталашган, оғриксиз
  - 3) катталашган, оғриқли
  - 4) катталашган, оғриқли, бирлашган
  - 5) катталашган, оғриқли, бирлашмаган
3. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитнинг қайталанишига сабаб бўладиган маҳаллий омиллар:

- 1) Курак тишининг чуқур қайтадан ёпилиши
  - 2) Гальваноз
  - 3) Шикастланишлар
  - 4) Амалгамали пломбалар
  - 5) Тил сўргичларнинг атрофияси.
4. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитни дифференциал ташҳиси:

- 1) Ўткир герпес (учук) билан
- 2) Сурункали герпес (учук) билан
- 3) Кўп шаклли экссудавит эритема билан

- 4) Иккиламчи захм билан
  - 5) Ярали-некротик стоматит билан
5. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитни маҳаллий даволаш воситалари:

- 1) Стрептоцид сургиси
- 2) Ацикловир
- 3) Керотопластика
- 4) Бонофтон сургиси
- 5) Гидрокортизон сургиси

6. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматитда ўтказиладиган умумий профилактик тадбирлар:

- 1) Овқатланиш тизими касалликларини даволаш
- 2) Эндокрин тизими касалликларини даволаш
- 3) Юрак-томир тизими касалликлари даволаш
- 4) Физиотеропия
- 5) Психотроп даволаш

7. Қайталанувчи афтозли стоматитнинг оғир шакллари:

- 1) Сеттон афтаси
- 2) Шегрен синдроми
- 3) Розенталь синдроми
- 4) Стивенс-Джонсон синдроми
- 5) Лайелл синдроми

#### Аудиториядан ташқари мустақил ишлаш учун саволлар рўйхати:

1. Оғиз бўшлиғи шиллик каватлари касалликлари билан оғриган беморларни текширишнинг ўзига хослиги.
2. Оғиз бўшлиғи шиллик каватлари касалликларини комплекс даволашда физиотерапевтик усуллар.

Аудиториядан ташқари ишлаш буйича рефератлар ва тақдимотлар мавзуси:

1. Оғиз бўшлиғи шиллик каватлари касалликларини фитотерапия усули билан даволаш.
2. Оғиз бўшлиғи шиллик каватлари касалликларини витаминлар билан даволаш.

### Асосий адабиётлар

1. Терапевтик стоматология: дарслик/ Е.В.Боровский тахрири остида – М.:МНА,2009.-840 бет
2. Терапевтическая стоматология:Национальное руководство /ред.Л.А.Дмитриева.- М.ГЭОТАР-Медиа,2009.-912. (Национальное руководство) + СД

### Кўшимча адабиётлар:

- 1.Терапевтическая стоматология в 3-частях.Часть 3:Заболевания слизистой оболочки рта:учебник/Подред П.М Бачера,-М.:ГЭОТАР-Медиа,2010.-256-с.
2. О.И. Тирская.Проявления герпетической инфекции полости рта.// Учебное пособие-Иркутск, 2011.-39 с.

### Машғулот №3-4

**Машғулотнинг ўқув мавзуси:** Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг меъда-ичак тракти ва юрак томир касалликларида ўзгаришлари.

**Машғулотнинг ўқув мақсади:** Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг меъда-ичак тракти ва юрак томир касалликларида ўзгаришларини ташхис қилишни ўрганиш

### Машғулотга мустақил тайёрланиш учун саволлар тўплами:

1. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг меъда-ичак тракти ва юрак томир касалликларида ўзгаришларининг этиологияси ва патогенези
2. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг меъда-ичак тракти ва юрак томир касалликларида ўзгаришларининг клиникаси, дифференциал ташхиси.
3. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг меъда-ичак тракти ва юрак томир, жигар касалликларида ўзгариши мумкин.
4. Дифференциал ташхис
5. Меъда-ичак тракти ва юрак томир тизими касалликлари билан оғриган беморларни текшириш ва даволаш.

### Талабаларнинг касбий маҳорати.

Талаба билиши лозим: Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг нормал патологияда тузилиши ҳолати ва функцияси асослари.

Талаба бажара олиши керак:

- 1.Касаллик тарихи ва бошқа тиббиёт хужжатларини тўғри расмийлаштириш (бошқа бўлимларга йўлланма,хулосалар ва бошқалар)
2. Дори-препаратларига рецепт ёзиш
3. Касалликни даволаш комплекс режасини тузиш,керак бўлса бошқа мутахассисларни жалб қилиш

**Талаба қўйидаги амалий кўникмаларни эгаллаши керак:**

1. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватини пайпаслашни.
2. Шикастланиш морфологик элементларини аниқлашни.

**Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг шишиш ҳолати ва рангини ўзгаришларининг юрак томир касалликларида дифференциал ташхиси**

Касаллик	Умумий клиник белгилар	Фарқланиш белгилари
Меъда-ичак тракти патологиясида оғиз бўшлиғи шиллик қавати шишиш ҳолати	Оғиз бўшлиғи шиллик қавати шишиши, тилнинг шишиши, дискомфорт кўринишлари:тил катталашгани сезгиси	Юрак томир етишмовчилиги, қон айланиши бузилиши, умумий симптомлар (ҳансираш, холсизлик ва бошқалар) йўқ.Овқат

Катарал стоматит	лунж, тил шиллик қавати ачиши, оғриши ва гиперемияси	ҳазм килиш тизими патологияси аниқланади Катарал стоматит (инфекцион) емирилган тишлар, тиш тошлари етказиши мумкин булган шикастлар йўқ. Шунингдек ўткир респиратор инфекцияларда (ЎРВИ, грипп) ҳам кузатилади. Юрак томир патологияси белгилари кузатилмайди. Интоксикация кўринишлари (тана ҳарорати кўтарилиши мумкин)
Медикаментоз аллергик катарал стоматит	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари ачиши, оғрик, китиклайдиган озик-овқат истеъмол қилганда	Катарал яллиғланиш дори-препаратларни қабул қилгандан кейин секин ривожланадиган аллергик реакция туфайли юзага келади. Дори препаратни қабул қилиши бекор қилингандан кейин ёки уни бошқа препарат билан алмаштиргандан кейин катарал кўринишлар йўқолади, медикаментоз стоматитнинг енгил шакли каби. Шиллик қават тўқ-кизил рангда сал шишган, чандик кўринишлари йўқ. Маҳсус специфик хусусиятлари йўқ, манзара меъда-ичак касалликларидаги ўзгаришлар каби клиник кўринишга ўхшайди.

### Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари ўзгаришларининг дифференциал ташҳиси:

Меъда-ичак касалликларида

Касаллик	Умумий клиник кўринишлар	Фарқланиш белгилари
Тил юзасида қараш		
Псевдомембранали кандидоз.	Тил юзасида оқ қараш, ёқимсиз сезги, гадир-будур	Қараш қирилганда енгил олинади, шиллик қаватлар гиперемияси, тил сўргичлари текислангани кузатилади. Антибиотиклар, цитостатиклар, сульфаниламидлар қабул қилган, қандли диабет билан оғриган шахсларда аниқланади. Бактериал қонни текширишда кандидоз замбуруғи аниқланади.
Ясси лейкоплакия	Тилнинг орқа қисмида оқ қараш, гадир-будурлик, тилнинг одатдан ташқари кўриниши.	Гиперкератоз ўчоғи қирилганда кўчмайди. Бир вақтда оғиз бўшлиғининг бошқа бўлимлари (лунжлар шиллик қаватлари, оғиз бўшлиғи ва бошқалар) зарарланиши мумкин. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватини тортилиб туриш сезгиси этиологиясида маҳаллий оғритувчи омиллар: чекиш (иссиқлик, смолалар, фенол бирикмалари ва бошқалар) Иссиқ овқат, бетель ва бошқалар етакчи рол ўйнайди.
Грипп, ЎРВИ, ангина ва бошқалар	Тилда турли қалинликдаги қараш, ноҳушлик сезгиси.	Тилни ўз-ўзидан тозаланиши, етишмовчилиги, тил эпителийсининг бужмайиши ва ҳосил бўлиши дисбаланси (десквамациянинг секинлашиши)

Кора ("сарғиш") тил	Сарғиш-кўнғир, кора караш	Ипсимон сўрғичларнинг тилнинг орка, учдан бир қисмида. Катталиги 2-3 см гача. Сурғиччалар калинлашган, ранги қора-кўнғирдан қорагача, пигмент ҳосил қилувчи бактериялар фаолияти туфайли; Лептотрихеллалар аниқланади. Караш узок вақтгача сақланиб туради.
---------------------	---------------------------	---

**Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари  
шишиши.**

Юрак томир етишмовчилиги да оғиз бўшлиғи ва тилнинг шиллик қаватларининг шишиши	Шиш, тилнинг ён юзаси лунжларнинг тишларни бирлаштириш чизигида тиш излари, нохушлик сезгиси	Юрак-томир тизими патологияси йўқ. Қўшимча сурункали колит, меъда ва ўн икки бармоқли ичак касалликлари, сурункали энтероколит ва меъда ичак трактининг бошқа касалликларида учрайди
Ангио-невротик шиш	Тил ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг шишиши	Шиш, аллергия реакциянинг тезлик билан ривожланиши натижасида кўпинча, шунингдек лаблар ва тананинг бошқа соҳалари ҳам шишади. Шиш бир неча соат ёки кундан кейин йўқолади
Аллергик (медикаментоз) стоматит	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари рангини ўзгартириш Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари оғриши, ачиши ва гиперемияси	Катарал ёки катарал-геморрагик стоматит дори препаратни қабул қилингандан 24-48 соат ўтгандан кейин ривожланади. Аллергенни секин ривожландиган тури. Патологик ўзгаришлар препаратни қабул қилиши бекор қилингандан кейин йўқолади
Грипп, Витамин-В12 танқислиги анемияси	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг оғриши, ачиши, гиперемияси,	Катарал стоматит грипп билан оғриган пайтда ва ундан кейин ривожланади. Халқум ва юмшоқ танглай

	айниқса овқатланиш вақтида. Оғиз бўшлиғи ва тилнинг шиллик қаватларининг оғриши. Гиперемия ўчоқлари тилнинг шиллик қаватларида.	шикастланишга хосдир, майда геморрагиялар аниқланади. Тил ипсимон сўрғиччалари атрофияси турли узунликдаги йўл-йўл гиперемия учоқлари тилнинг дорсал юзаси, лунжлар шиллик қаватларида кейинчалик ипсимон ва замбуругсимон сўрғиччаларнинг кескин атрофияси кузатилади. (ялтираган, текисланган, ёрқин-қизил рангдаги тил) Мюллер-Гунтер глоссити
--	---	---

**Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари  
эррозив-ярал  
шикастланиши:**

Сурункали герпетик стоматит	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг турли соҳаларида оғрикли эррозиялар	Якка-ягона эррозив тошмалар майда пуфакчалардан кейин. Зарарланиш элементларининг энг кўп жойлашган жойи каттик танглайнинг шиллик қаватларининг шиллик қаватлар ва тери чегарасидадир. Туртки берувчи омиллар: шамоллаш, стресс кабилар.
Сурункали қайталанувчи афтозли стоматит	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларида оғрик, ачиш, парестезия, афталар	Фибриг караш гиперемия участкалари билан қопланган кескин оғрикли юмалок ёки нотўғри шаклдаги афталар. Нормда шохсимон парда билан қопланмайдиган шиллик қаватлар участкаларида жойлашади.

		Афталарнинг ривожланиши цикли 5-10 кун чандик колдирмайдиган эпителизация билан.Сурункали қайталанадиган афтоз стоматитнинг этиологиясида инфекция билан биргаликда шиллик қаватлари қалинлиги патологияси аҳамиятга эга.
Дескваматив глоссит (“географик тил”)	Ачишиш,камдан-кам аччик ва иссиқ овқат истеъмол қилганда оғрик.Тил эпителийсида десквамация ўчоқлари	“Географик тил” болаларда кузатилади.Касалликнинг наслий-ирсий табиати эҳтимоли бор.Катталарда стоматит глосситнинг миграция этувчи шакли кўпроқ учрайди.Кўпинча қават-қаватли тил билан биргаликда учрайди.Дескваматив глоссит узок вақт, баъзан умрбод кечади.
Ромб кўринишидаги глоссит	Ипсимон сўргиччалар атрофияси ўчоқлари десквамацияси. Баъзан қитиқловчи омиллар таъсири остида оғрик (чекиш, иссиқ овқатлар истеъмол қилиш)	Тилнинг дағал юзаси орқа қисмида (тарновсимон сўргиччалар юзида) ромб шаклида десквамация ўчоқларини ташкил этувчи сурункали яллиғланиш касаллиги.Йиллаб давом этади, баъзан ачишиш

		кузатилади.Кўпинча кандида замбуруғи аниқланади. Ясси, пецилламатозда унинг камайиши ўчоқлар йўқолиши кузатилади.
--	--	---

### Назоратни амалга ошириш учун материаллар

#### Ҳолатий масалалар:

Клиник ҳолат:

Бемор 63 ёшда.Стоматологга оғиз бўшлиғида кескин оғрик, овқатланиш, тишларни тозалашнинг қийинлашиши, оғиз бўшлиғида яра пайдо бўлиши шикоятлари билан мурожаат қилган.Беморлик тахминан 2 ойдан бери бошланган.Тилида яра пайдо бўлган.Бироз вақтдан кейин худди шундай ўзгаришлар оғиз бўшлиғининг тубида (тил остида), лунжнинг шиллик қаватларида пайдо бўлган. Стоматологик поликлиникасида даволанган-калий,перманганат эритмаси билан оғиз бўшлиғини чайқаган,чаканда ёғи, витамин А ёғли эритмаси билан аппликациялар қилган.Ахволи яхшиланмаган, оғрик сақланган. Яралар битмаган.

Анамнезида:юракнинг ишемик касаллиги (ЮИК), гипертония касаллиги II-III босқичлар, терапевт кузатувида туради.Охириги йиллар давомида ахволи кескин ёмонлашган,ҳансираш,дармонсизлик,оёқларнинг шишиши, артериал кон босими 180/90- 200/100 мм симоб устуни даражаси оралиғида.

Беморни кўздан кечирганда лаблар ва бурун учларининг цианози кузатилади.Оғиз бўшлиғида мўрт, юмшоқ тиш қарашлари ва тишлов кариоз бўшлиқлар, тишлар қаторининг деффекти тўқис ва маҳкамланган милкларнинг цианотик тусда гиперемияси,бўшлиқлар чуқурлиги 3-6 мм. Тилнинг дорсал юзаси марказида унча чуқур бўлмаган яра катталиги 1x1,5 см, кулранг-ок парда билан қопланган яра кескин оғрийди, атрофини ўраб олган шиллик қаватлар ранги ўзгармаган. Дастлабки ташхисни аниқланг:текшириш тартиби ва давосини аниқланг.

#### Жавоб беринг.

- Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг шикастланиши юрак томир тизими патологиясининг айрим нозологик шакллариға хос:  
1)ҳа; 2)йўқ;
- Трофик ярани қуйидагилар билан дифференциал ташхис қиладилар:  
1) сурункали герпес (учук) билан  
2) травматик (шикастланиш) яра билан;  
3) кўп шакли эксудатив эритема билан;  
4) сил яраси билан;
- Пуфак-томир синдромида пуфак жойланади;

- 1) эпителий ичида;
- 2) эпителий остида;
4. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг шишиши ҳолати аниқланади.
  - 1) Пальпация қилиб
  - 2) Лунжлар ва тилнинг ён юзларидаги шишлар излари бўйича
  - 3) Мак-Клор-Олдричнинг-шишиш синамаси билан;
5. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларида геморрагик пуфакчалар қуйидаги касалликларда пайдо бўлади.
  - 1) Юрак-томир етишмовчилигида
  - 2) Юракнинг ревматик иллатларида (пороклариди)
  - 3) Гипертония касаллигида.
6. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг юрак-томир етишмовчилиги фонида цианозни маҳаллий даволаш:
  - 1) Кўрсатма бор;
  - 2) Кўрсатма йўқ;
7. Юрак-томир етишмовчилигининг декомпенсация босқичида трофик яраларни даволашни қуйидаги мутахассислар билан биргаликда ўтказадилар:
  - 1) Невропатолог билан
  - 2) Терапевт билан
  - 3) Гематолог билан
  - 4) Психотерапевт билан

**Аудиториядан ташқари мустақил равишда ишлаш учун саволлар рўйхати:**

1. Тилни кўздан кечириш (тилни ёзилтириб кўриш усули)
2. Тил тубини пальпация қилиш:
3. Тил таъм билиш сезгисини аниқлаш
4. Мак-Клор-Олдричнинг-шишиш синамаси

**Аудиториядан ташқари ишлаш учун рефератлар ва тақдимотлар мавзуси:**

1. Меъда-ичак тракти касалликларида оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг шикастланиши.
2. Юрак-томир касалликларида оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг шикастланиши

**Асосий адабиётлар**

1. Терапевтик стоматология: учебник ред. Е. В. Боровский - М.: МИА, 2009 - 840 с.
2. Терапевтическая стоматология: Национальное руководство / ред. Л. А. Дмитриева - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2009 - 912 с (Национальное руководство) + СД

**Кўшимча адабиётлар**

1. Терапевтическая стоматология в 3-х частях: часть 3. Заболевание слизистой оболочки рта: учебник / Под ред. Г. М. Барера, - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2010 - 256 с.
2. Клиническая фармакология: учебник для вузов / Под ред. В. Г. Кукеса - 4-е издание, переработ. и доп., - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2009 - 1056 с
3. Стоматология Запись и ведение истории болезни: Руководство / Под ред. В. Афанасьева, проф. О. О. Янушевича. - 2-е 430 с. Испр и доп. - ГЭОТАР-Медиа, 2012. - 160 с.

**Машғулот № 5-6**

**Машғулот мавзуси:** Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг эндокрин тизими, бириктирувчи тўқиманинги диффуз, қон яратиш тизими касалликларида ўзгаришлари.

**Машғулотнинг ўқув мақсади:** Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг эндокрин тизими, бириктирувчи тўқиманинги диффуз, қон яратиш тизими касалликларида ўзгаришларини ташхис қилишни ўрганиш.

**Машғулотга мустақил равишда тайёрланиш учун саволлар рўйхати:**

1. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг қандли диабетда ўзгаришлари. Этиология, патогенез. Клиника
2. Иценго-Кушинг касаллиги. Этиология. Патогенез. Клиника
3. Адиссон касаллиги. Этиология. Патогенез. Клиника
4. Бириктирувчи тўқиманинги диффуз касалликлари билан оғриган беморларда оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг ўзгаришлари.
5. Қон яратиш тизими касалликларида оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг ўзгаришлари.

**Талабаларнинг касбий маҳоратлари.**

**Талаба билиши лозим:**

1. Оғиз бўшлиғининг меъёрда ва патологияда тузилиш, ҳолати ва функцияси асосларини.

**Талаба бажара олиши керак:**

1. Касаллик тарихи ва бошқа тиббий ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш (бошқа бўлимларга йўлланма, хулосалар ва бошқалар)
2. Дори препаратларига рецептлар ёзиш
3. Касалликни комплекс даволашнинг комплекс режасини керак бўлган бошқа мутахассисларни чорлаб тузиш.

**Қандли диабетда ташхис**

<b>Текшириш тартиби</b>	<b>Аниқланган симптомлар</b>	<b>Симptomларни патогенетик асослаш</b>
Шикоятлар:	<p>Оғиз бўшлиғини кўриши, кучли сувсаш</p> <p>Овқатланиш вақтида оғиз бўшлиғида оғрик, айниқса иссиқ, каттик таомларни истеъмол қилганда.</p> <p>Шиллик қаватлар парестезиялари, ачишиш сезгиси, ширин, шўр таъм сезиш қобилияти сустлашиши. Жинсий аъзолар соҳасида ачишиш ва кичишлар, кейинчалик бадан терисининг бошқа соҳаларида кичишлар (чипкон, хўппоз, говмижжа билан тез-тез оғриш)</p> <p>Уч бошли нерв йўли бўйича неврологик неврит оғриклари</p> <p>Тишларни тозалаганда милқлар қонаши</p>	<p>Углеводлар алмашинувининг бузилиши, кейинчалик оқсил ва ёғ алмашинуви бузилиши, тўқималарнинг дегидратацияси.</p> <p>Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари юпқалашган, тез шикастланади, барьер функцияси сустлашгани туфайли яллиғланган</p> <p>Углеводлар алмашинуви бузилиши натижасида нерв системаси бузилишлари.</p> <p>Катарал гингивит-шиллик қаватларнинг барьер функцияси сусайиши ва оғиз бўшлиғининг коникарсиз гигиенаси</p>
Анамнез	Турли оғирлик даражасида ва давомлиликдаги қандли диабет	
Кўздан кечириш Оғиз бўшлиғи шиллик қаватини кўздан кечириш	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватлари сал хўл ёки куруқ, ялтирайди, сал гиперемиялашган.	Тўқималарнинг дегидратацияси сабабли қандли диабетда

	Эррозиялар, кон куйилишлар, трофик яралар бўлиши мумкин.	эпителийнинг куруқлиги ва юпқалашishi.
Сўлак безларини кўздан кечириш	Органик ўзгаришлар йўқ. Сўлак безларининг пальпацияси оғриксиз. Сўлак ажратиш йўллари патологик ўзгаришсиз, сўлак тоза аммо кам микдорда.	Оғиз бўшлиғи куриши, паренхимаси шикастланиши билан боғлиқ бўлмай, тўқималар дегидратацияси билан боғлиқ
Тишлар қаторини кўздан кечириш	Гигиеник ҳолат коникарсиз. Тишларда ажратмалар. КПУ индекси юқори.	Беморлар милқларни аяб тозалайди. Тиш пиллакчалари ёмон тозаланади. Углеводлар алмашинуви бузилиши ва гипохилия туфайли тишларнинг кучли емирилиши кузатилади.
Парадонт тўқималарини кўздан кечириш.	Турли оғирлик даражасидаги тўқималарнинг катарал яллиғланиши.	Гигиеник ҳолат коникарлиги, углеводлар алмашинуви бузилганлиги ва суяк тўқимаси юзаси
Қўшимча текшириш усуллари. Қон ва сийдик ташхиси Тил усти қарашини бактериоскопик текшириш. Альвеоляр ўсимталар ва тишларни рентгенологик текшириш	Қон ва сийдикда глюкоза микдорини текшириш. Қўп ҳолларда кандиди замбуруғи аниқланади. Турли даражадаги парадонт суяк тўқимаси патологияси.	Қонда глюкоза даражаси ошиши 13,9-8,6 моль/л ва сийдикда глюкоза пайдо бўлиши. Оғиз бўшлиғи дисбактериози ва рНнинг кислота томонга силжиши. Остеолизис жараёни натижаси



Адиссон касаллигида ташхис:

Текшириш тартиби	Аниқланган сиптомлар	Симптомларнинг патогенетик асосланиши
Шикоятлар	Оғриққа шикоят йўқ, унча катта бўлмаган кўкимтир доғлар терида ва оғиз бўшлиғи шиллик каватларида. Шикоятлар: ориклаш, диспептик симптомлар, иштаханнинг пасайиши	Шиллик каватларнинг ҳолати ўзгармаган. Тери ва оғиз бўшлиғи шиллик каватлари ранги ўзгариши, пигментнинг кўп ишлаб чиқарилиши ва тўпланиши билан боғлиқ
Кўздан кечириш: оғиз бўшлиғи шиллик каватларини ташқи кўздан кечириш	Юз териси, қўл панжалари терисида кўкимтир ёки қулранг қора доғлар. Касаллик узоқ давом этса тери ёрқин-қўнғир, бронза рангига бўялади. Шу сабабли бу касалликни «бронза касаллиги» деб айтилади. Лаблар, тилнинг четлари, милклар, дунжлар шиллик каватларида унча катта бўлмаган доғлар кўк, қулранг-қора йўл-йўл доғлар	Буйрак усти безининг сурункали етишмовчилиги сабабли мелониннинг кўп миқдорда тўпланиши.
Иценго-Кушинг касаллигида ташхис		
Текшириш тартиби	Аниқланган сиптомлар	Симптомларнинг патогенетик асосланиши
Шикоятлар	Овқатланиш вақтида оғриқ, айниқса китиклайдиган овқатлар билан, кўпинча оғиз бўшлиғи ачишиши. Милкларнинг қонаши, оғиздан нохуш ҳид аниқлиши	Узоқ вақт сақланидиган эррозиялар ва яралар. Кўпинча кандидоз. Парадонт ўзгариши.
Кўздан кечириш.	Кўзга ташланадиган	Оғиз бўшлиғида

